



ИСЛОМ МОЛИЯСИНИ ЎРГАНИШ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Исмоилов Акбар Баҳодир Ўғли

Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси

Исломшунослик мутахасислиги 1-курс магистранти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7981992>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2023

Accepted: 28th May 2023

Online: 29th May 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Ушбу мақолада ислом молияси ва унга таълуқли мавзуларнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида гапирилар экан, аввало улар кундалик турмушдаги жуда муҳим ижтимоий масала эканлигини тушуниб етиш лозим. Одатда ислом шариатининг умумий ҳуқуқ тизими бўлмиш, фикҳ ва унга тегишли ҳукмларини ўрганаётганда, таҳорат, ғул, таяммум ёки намознинг шартлари ва рукнлари, рўза, закот, ҳаж, ва уларга тегишли ҳукмларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилинади, аммо кундалик ҳаётта долзарб бўлган бошқа масалаларга, хусусан савдо, ижара, шерикликдаги тадбиркорлик, омонат, гаров ва бошқа шу каби банд билан банд ўртасида юзага келадиган амалиётлар ва уларга тегишли ҳукмларни етарлича ўрганилади. Кундалик ҳаётта муомалатга алоқадор амалиётлар билан солиштирилиб, ибодатга тегишли масалалар амалиётлар билан таҳлил қилинади.

Маълумки, закотни агар барча шартлари топилса бир йилда бир маротаба ҳисобланади ва тўлаб берилади, ҳаж сафарини фарзнинг адоси сифатида, агар насиб этса умрида бир маротаба бажаради, ҳатто намоз ибодатини ҳам инсон зиммасига юклатилган, фарз амали сифатида бир кунда беш маҳал адо этади. Шу билан бирга, бир кунда олти, етти, ўн ва ундан кўп маротаба савдолашилади, товардар сотилади ва харид қилинади, омонатга мулк берилади, гаров қўйилади, маҳсулот ёки меҳнатни ижарага олилади ёки бошқа турли хил машруъ бўлган (яъни шариатда рухсат берилган) битимлар тузилади ва аксар ҳолатда мазкур муомалотларни ослом дини талабларига мос равишда бажарилдими ёки йўқми деб ўйлаб ҳам кўриш мумкин.

Албатта, юқорида айтилган фикр билан одамларда намоз, закот, рўза каби ибодатларга таълуқли амаллар ва ҳукмларни чуқур ўрганишга эҳтиёж йўқ дейишга сабаб бўлмайди. Мазкур ибодатлар дини арконларидир ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло олдидаги инсоннинг бандалик мажбуриятидир. Барча инсон мусулмон сифатида Аллоҳ азза ва жаллага мукамал ибодат қилишга буюрилган ва бу шубҳасиз инсон ҳаётидан



кўзланган энг биринчи мақсаддир. Зеро, Аллоҳ субҳанаху ва таоло Қурони каримда шундай марҳамат қилади:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

“Жин ва инсонни фақат менга ибодат қилиш учунгина яратдим” (Зарият сураси, 56-оят)

Шу билан бирга, мусулмон сифатида кундалик турмушда учрайдиган бошқа амалларга ҳам эътиборли бўлиш буюрилган. Турли хил иқтисодий-молиявий муносабатларга киришганда, “ушбу қилинган амал шарият жиҳатидан тўғрими, ботил ёки фосид эмасми, мана шу тузаётган битимда рибо, ғарар ва шу каби ножоиз амалиётлардан холими, фикҳий ҳукмларга риоя қилинганми?”, деган саволларни ҳар бир оқил, балоғатга етган инсон, бозорлар, ширкатлар ва банкларда турли муомалага киришувчи ҳар қандай мусулмон инсон ўзига бериши шарт.

Аллоҳ субҳанаху ва таоло шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ كُلُوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ

“Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ва шайтон изидан эргашманглар, чунки у сизларга очиқ душмандир”. (Бақара сураси, 168-оят)

Ушбу ояти карима фақат ҳалол-пок ризқ топишга интилишга тарғибдир, унга зид қилиб эса шайтоннинг изидан эргашиш қўйилмоқда. Яъни шайтоннинг йўлида юрганларгина ҳаром билан ҳалолни ажратмайдилар, деганидир бу. шайтон инсонларни ҳалолдан тўсиш орқали уларни Аллоҳнинг итоатидан чиқаришга уринади. Шайтоннинг измига тушиб қолган инсон эса, ҳалол-ҳаромни фарқламай ўзини улкан гуноҳга улоқтираётганлигини билганда эди...

Ал-фаруқ (фарқловчи) номи ила машҳур буюк саҳоба Умар ибн аль-Хаттоб розияллоху анҳу ҳалифалик даврларида, бозорларда тижорат билан шуғулланиш учун, “бай” яъни савдога оид шаръий аҳкомларни яхши билишни шарт қилиб, “Бозорларингизда бирон киши савдо-сотик қилмасин, илло савдо ҳукмларини биладиган инсондан бошқа” дер эканлар (Термизий ривоятида эса, “Бозорларимизда динда фақиҳ бўлганлардан бошқаси савдо қилмасин” деганлари келтирилган).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда молиявий муносабатларга алоқадор билимларни ўрганиш, ислом молияси молиявий маҳсулотларини ҳаётга татбиқ қилиш, ушбу соҳага оид билимларни бошқаларга ҳам етказиш қанчалик муҳим масала эканлигини ва барча ўзини мусулмон ҳисобловчи инсонлар учун бу илми ўрганиш лозим ва ҳаттоки фарз эканлигини англаш мумкин.

Маълумки шариатда фарз икки қисмга: “фарзи айн” (барча учун бир хилда фарз) ва “фарзи кифоя” (баъзилар бажариши ила бошқалардан соқит бўлувчи фарз)га бўлинади. Ислом молияси илмини ўрганиш мусулмонлар учун фарзи кифоя бўлишига қарамасдан, бир инсон ҳар қандай савдо/тижоратга киришаётганида, унинг учун ўша амалиётни шаръий жиҳатдан тўғри бажаришга етарли даражада бўлса ҳам билиши, унга тегишли ҳукмлардан хабардор бўлиши у учун фарзи айнга айланади.



Юқорида келтирилган фикрларни қуйидаги ҳадиси шариф жуда аниқ ифода этади:

Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи васаллам узоқ сафарга чиққан, сочлари тўзиб кетган, чанг-тўзон сочининг рангини ўзгартириб юборган бир киши ҳақида гапирдилар: «Ҳалиги одам қўлларини кўкка чўзиб: «Парвардигоро! Парвардигоро!» деб дуо қилмоқда. Бироқ унинг егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ўзи ҳаром билан озиқланган. Қандай қилиб унинг дуоси ижобат бўлсин?!». (Муслим ривояти).

Мазкур ҳадисда аҳамият бериш керак бўлган жиҳатлардан бири шуки унда айтилган шахснинг ҳолатидир. Мусофир, йўлидан адашиб қолган, чанг-тўзонда қолган, ночор инсон. Аслида бу каби хорланган ҳолатда ҳақирлик билан роббисига илтижо қилаётган инсоннинг дуоси тезда ижобат бўлиши эҳтимоли жуда каттадир. Аммо шу билан бирга, ушбу инсоннинг маънавий поклиги, ҳаромдан хазар қилмаслиги, луқмасида фақат ҳалолни лозим тутмаслиги уни дуоси катта эҳтимол билан ижобат бўладиган ҳолатдан тўсмоқда. Демак, инсоннинг ҳалол-пок луқмадан озуқаланиши, кийим-кечак ва бошқа барча керакли буюм ва жихозларини ҳалол йўл билан топилган молга сотиб олиб фойдаланиши унинг роббисига қилаётган ибодатларини қабул бўлиш ёки бўлмаслигига шарт сифатида қўйилмоқда. Балки ҳалолдан ризқ топиш ва ҳалол мулкка эга бўлишга интилишнинг ўзи ҳам, ҳуддаки ҳаромдан тийилиш ва унга яқин йўламаслик каби, ибодатдир.

Шу ўринда муомалотдаги ҳаром бўлган фаолиятга мисол келтириш мумкин. Савдо-сотик келишувларида юз бериши мумкин бўлган ножоиз ишлардан бири бу “рибо”дир. “Рибо” ўзбек тилида “судхўрлик” деган маънони англатади. Рибо бу бир тараф иккинчисига муайян миқдордаги маблағни муайян муддатга, шу муддат сабаб устама қўйиб қайтариш шarti билан беришидир. Аллоҳ таоло рибони ҳаром қилган, ҳаром нарса эса қанча кўп бўлса ҳам зиёда бўлмайди. Шунингдек, рибода савоб ҳам йўқдир, аксинча у катта гуноҳ. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўз каломида шундай марҳамат қилади:

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ۚ ذَلِكَ
بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِنَ الرِّبَا ۗ وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا ۗ

“Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган”.

Хулоса қилиб айтганда, Ислom шарияти мукамал дастурдир. У инсон ҳаётини бошидан охиригача ислоҳ қилиш, тўғри шакиллантириш, унинг учун биринчи даражалик, иккинчи даражалик ва шу тарзда мақсадлар, аҳамиятли ишларни белгилаб бериш ва ҳаётига татбиқ қилиш йўлларини ўргатиш билан бирга охиратини обод қилиш, икки дунёда ҳам саодатга эришиш сирларини ўзида сақловчи хазинадир. Унда Аллоҳнинг бандадаги ҳаққи бўлган ибодатларни тўғри бажариш учун инсонларга буйруқ, кўрсатмалар ва қайтариқлар бўлгани каби, бандалар ҳаққига нисбатан ҳам бажарилиши лозим бўлган ва четланиши керак бўлган буйруқ ва кўрсатмалар мавжуд. Албатта бу ҳақ-ҳуқулардаги кўрсатмаларга эътибор берганлар дунёсию охиратида



ютукда бўладилар. Уларни тарк қилиб, етарлича эътибор қаратмаганлар эса ўзларига зулм қилишлари муқаррар.

References:

1. Аҳмад ибн Мустафо Тошқубризода. Мифтоҳ ас-са'ода ва масобиҳ ас-сийода. 11 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ҳадисийа, 1995. Ж.9. – Б. 248.
2. Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тарих фан. докт. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – Б 26.
3. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б. 31-32.
4. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б.32.